

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят
ижтимоий-сиёсий
газетаси

2018 йил
15 декабрь
ШАНБА

№ 100 (13153)

www.thtp.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ҲУҚУҚЛАРИНИНГ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ВА ПЕНСИОНЕРЛАРНИ ИЖТИМОЙ ҚўЛЛАБ-ҚУВВATЛАШНИ КУЧАЙТИРИШГА ОИД ҚўШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР Тўғрисида

Пенсионерларни ижтимоий жиҳатдан янада қўллаб-қувватлаш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларда уларнинг салоҳияти, тажрибаси ва билимини тўлақонли жалб қилиш, пенсия таъминоти тизими самарадорлигини ошириш, шунингдек, мазкур йўналишда халқро тамойил ва стандартларни жорий этиш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, 2019 йил 1 январдан бошлаб барча ишловчи пенсионерларга пенсиялар тўлиқ миқдорда тўланади.
2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2019 йил 1 январдан пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун иш ҳақининг максимал миқдорини энг кам ойлик иш ҳақининг саккиз баробаридан ўн баробаригача ошириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.
3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси 2019 йил 1 январдан пенсияни ҳисоблашда қабул қилинадиган иш ҳақининг максимал миқдори оширилишини ҳисобга олган ҳолда пенсиялар миқдори қайтадан ҳисоблаб чиқилишини таъминласин.
4. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – молия вазири Ж. А. Қўқоровга пенсиялар барча ишловчи пенсионерларга ўз вақтида тўлиқ миқдорда тўланишини таъминлаш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.
5. Мазкур Фармонни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 1-иловага мувофиқ ўзгаришлар киритилсин.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатлари 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги икки ой муддатда "Ҳуқуқларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.
9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси раҳбари З. Ш. Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосарлари Б. М. Мавлонов, Г. К. Саидоваларга юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 12 декабрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИГА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ, ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ ҲАМДА АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ БЎЙИЧА ҚўШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР Тўғрисида

Мамлакатимизда маъмурий тартиботлардан ўтишни соддалаштириш, аҳоли турмуши сифатини ошириш, инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилашга қаратилган электрон ҳукуматни, шу жумладан, давлат хизматларини кўрсатиш тизимини модернизация қилиш ва ривожлантириш борасида изчил чоралар кўрилмоқда.

Шу билан бирга, рақамлаштиришни таъминлашга ва рақамли иқтисодиётга ўтишга тўқинлик қилаётган қатор ҳал қилинмаган муаммо ва камчиликлар сақланиб қолмоқда. Хусусан, давлат ахборот тизимларини ривожлантиришнинг ягона принциплари ишлаб чиқилмаган, ушбу соҳадаги тадбирлар эса ўзаро ва бошқа ахборот тизимлари билан ўзвий боғланмаган ҳолда амалга оширилмоқда.

"Электрон ҳукумат" тизими инфратузилмаси лозим даражада ривожланмапти, бу давлат хизматларини кўрсатишда ва идоралараро электрон ҳамкорлик қилишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллашга ўз таъсирини кўрсатмоқда.

"Электрон ҳукумат" тизимини жорий этишда таъсирчан мувофиқлаштирув ва ягона технология ёндашувининг мавжуд эмаслиги ресурсларнинг ноқилина фойдаланилишига олиб келмоқда ҳамда тадбирларнинг самарадорлигини пасайтирмоқда.

Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш, "Электрон ҳукумат" тизимининг жорий этилишини таъминлаш, аҳоли, бизнес ва давлат ўртасида самарали ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш учун қўшимча шарт-шароит яратиш мақ-

садида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2018 йил 3 июлдаги ПҚ-3832-сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) рақамли иқтисодиётни жорий этиш ва ривожлантириш соҳасида ваколатли орган этиб белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки: "Электрон ҳукумат" тизимини жорий этиш рақамли иқтисодиётнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади;

Агентлик электрон ҳукумат соҳасидаги ҳамда давлат бошқарувида ахборот тизимларини жорий этишда ваколатли орган ҳисобланади, ушбу соҳада ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштириш учун масъулдир;

Агентликнинг электрон ҳукумат соҳасида, шунингдек, давлат бошқарувида ахборот тизимларини жорий этиш бўйича ўз ваколати доирасида қабул қилган қарорлари ижросини таъминлаш республиканинг барча вазирликлари, идоралари ва ташкилотлари учун мажбурий ҳисобланади;

Давоми 2-бетда ➡

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОЙИШИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНЛИГИНИНГ 27 ЙИЛЛИГИ ҲАМДА ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИНИ НИШОНЛАШГА ТАЙЁРГАРЛИК КўРИШ ВА ЎТКАЗИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларида ўтказилаётган ислохотлар мамлакатимизнинг мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлиги, барқарор ривожланиши ва халқимиз тинчлигини янада ишончли ҳимоясини таъминлаш имконини бермоқда.

Миллий армия жамиятимизнинг ажралмас қисмига ҳамда ўсиб келаётган ёш авлод ва ҳарбий хизматчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг фаол ҳаётий позициясини мустаҳкамлаш, мамлакат келажаги учун фуқаролик масъулияти ҳиссини оширишга хизмат қилувчи етакчи институтга айланмоқда.

Бугунги кунда Ватанини ҳимоя қилиш ёши, фаолият соҳаси ва касбидан қатъи назар ҳар бир фуқаронинг чинакам шарафли бурчидир ва айнан шу сабабли республикада Ватан ҳимоячилари кўни байрамини нишонлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари ташкил этилганлигининг 27 йиллиги ҳамда Ватан

ҳимоячилари кўнини муносиб қутиб олиш ва уни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонлаш, аҳолида миллий армиядан фахрланиш ва унга бўлган ишонч ҳиссини ошириш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари ташкил этилганлигининг 27 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кўнини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказишга бағишланган ватанпарварлик ойлигини 2018 йил 15 декабрдан 2019 йил 15 январга қадар ўтказиш бўйича тадбирлар Дастури (кейинги ўринларда – Дастур) 1-иловага мувофиқ маъқуллансин.

Ватан ҳимоячилари кўнининг кенг нишонланишини таъминлаш давлат ва жамоат ташкилотларининг биринчи навбатдаги вазифаларидан бири ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг шарафли бурчи деб ҳисоблансин.

Давоми 2-бетда ➡

ИЛҒОР ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР – САМАРАДОРЛИК ОМИЛИ

Олмалиқ шаҳрида "Ванюков жараёни муаммолари, уларни ҳал этиш йўллари ва истиқболлари" мавзuida халқаро илмий-амалий конференция ўтказилди.

Халқаро анжуман



Федерал давлат автоном олий таълим муассасаси Миллий технология таълим университети (Россия Федерацияси) "МИСиС"нинг Олмалиқ шаҳридаги филиалида ташкил этилган халқаро анжуманда Россия, Хитой, Германия, Финляндия ва Қозғистондан олимлар, экспертлар, юртимиздаги соҳа мутахассислари, филиал талаба-ёшлари иштирок этишди.

2

МЕҲНАТ ҚИЛГАН РОҲАТ КўРАДИ



Шу билан бирга, кишлоқ хўжалигининг мазкур муҳим тармоғидаги реал ҳолат таҳлили яратилган имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаётганини, ўз ечимини қутаётган жиддий муаммолар мав-

жудлигини кўрсатмоқда. Жумладан, бошқоқли дон экинлари экиш учун ерларнинг сифатсиз тайёрланиши, агротехника қоидаларига риоя қилмаслик, айниқса, экин-тикин ишларининг бечиктирилиши, моддий-техника ресурслари ўз вақтида етказиб берилмаслиги оқибатида қуттилган ҳосил олинмапти. Шунингдек,

жойлардаги масъуллар ва фермерлар томонидан контрактиция шартномаси бажарилмаётгани, ҳосилдорлигини ошириш ва қўшимча даромад олиш юзасидан етарлича чоралар кўрилмаётгани ҳам айни ҳақиқатдир. Энг асосийи, юқори ҳосилдорликка эришган ва ташаббускор фермерларни рағбатлантириш, ер ва сувдан унумли фойдаланиш ва юқори ҳосил олишга

етарли масъулият билан ёндошмаётган фермерларга таъсир кўрсатишнинг аниқ механизми мавжуд эмаслиги суғориладиган унумдор ер майдонларидан фойдаланиш самарадорлигининг пасайишига сабаб бўлмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 27 ноябрдаги "Бошқоқли дон етиштиришни янада рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори мавжуд муаммоларни бартараф этиш ва соҳани янада ривожлантиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Мазкур ҳужжат фермерларни янада рағбатлантирди.

Абдуқодир НОСИРОВ, Оҳангарон туманидаги "Тараққиёт" фермер хўжалиги раҳбари: – Бугунги кунда юртимизда фер-

мерлик ҳаракати ривожига алоҳида эътибор қаратилиб, кенг имконият ва имтиёзлар яратилмоқда. Хусусан, мазкур қарор ҳам илғор ғаллакорлар учун катта имкониятлар эшигини очди. Чунки, одам машаққатли меҳнатига яраша рағбат олса, роҳатланади ва кўпроқ ишлагиси келади.

Қарорга мувофиқ, келаси йил етиштириладиган буғдойнинг ҳар бир тоннаси учун кафолатланган давлат харидининг ўртача нархи 1 млн. 200 минг сўм этиб белгиланди. Бу йилдаги нархга солиштирсак, 1,6 баробар юқори дегандир. Бу эса, табиийки, фермер хўжаликларининг молиявий барқарорлигига ижобий таъсир кўрсатади. Қолаверса, режа бўйича давлатга топшириладиган донларимизга устама ва чегирмалар жорий қилинапти.

Давоми 3-бетда ➡

Мансур ҲИММАТОВ
олган сурат

Давоми 3-бетда ➡

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI DAVLAT BOŞQARUVIGA RAQAMLI IKTISODIYET, ELEKTRON HUKUMAT
HAMDA AXBOROT TIZIMLARINI JORIY ETISH BUIYICHA KUSHIMCHA CHORA-TADBIRLAR TUGRISIDA

давлат бошқарувида ахборот тизимлари, ресурслари ва бошқа дастурий маҳсулотларни яратиш ва жорий этиш бўйича лойиҳалар, шунингдек, бундай лойиҳаларни амалга оширишни назарда тутадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари Агентликда экспертизадан ўтказилиши шарт;

Агентлик рақамли иқтисодиётни жорий этиш бўйича амалга ошириш мақсадига қўйилган лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида ҳалқаро молиявий институтлар ва хорижий ҳукумат молиявий ташкилотлари билан бевосита ўзаро ҳамкорлик қилиш ҳуқуқига эга.

3. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги манфаатдор идоралар билан биргаликда:

ҳозирги кунда "Электрон ҳукумат" тизими доирасида амалга оширилаётган идораларо ва идоравий ахборот тизимлари, маълумотлар базалари, дастурий маҳсулотларни яратиш ва жорий этиш лойиҳаларининг ҳамда ахборот-коммуникация соҳасидаги бошқа лойиҳаларининг (кейинги ўринларда – лойиҳалар) амалга оширилиши ва молиялаштирилишини тўхтатиб қўйсин;

бир ой муддатда лойиҳаларни тўлиқ хатловдан ўтказсин ва якуний натижалари бўйича Агентликка ахборот киритсин.

4. Агентлик:

а) 2019 йил 1 апрелга қадар амалга оширилаётган лойиҳаларнинг таъқиқий кўриб чиқилишини ҳамда мақсадга мувофиқ, долзарб, республикада рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсад ва вазифаларига мос келадиган лойиҳаларнинг давом эттирилишини таъминласин;

б) 2019 йил 1 майга қадар қуйидагиларни назарда тутадиган "Электрон ҳукумат" тизимини ривожлантириш концепцияси лойиҳасининг ишлаб чиқилиши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритилишини таъминласин;

электрон ҳукуматнинг давлат, аҳоли ва бизнеснинг самарали ўзаро ҳамкорлигини, шунингдек, жажоннинг рақамли маконига интеграциялашувини таъминлаш бўйича ягона миллий тизим сифатидаги мақсадли аҳамиятини белгилаш;

"Электрон ҳукумат" тизимининг таркиби ва тузилмасини, уни яратиш шартлари ва архитектурасининг концептуал асосларини, жумладан, ташкилий, функционал, техник тузилмасини, шунингдек, асосий рақамли активлар рўйхатини аниқ белгилаш;

Бошланғич 1-бетда

электрон ҳукуматни яратишнинг асосий принциплари ва функционал вазифаларини, электрон ҳукумат имкониятидан фойдаланган ҳолда рақамли трансформацияга эришишнинг аниқ кўрсаткич ва индикаторларини белгилаш;

электрон ҳукуматни яратишнинг ҳуқуқий ва ташкилий-техник чораларини, жумладан, рақамли трансформация жараёнларини тадқиқ этиш методологиясига, уларнинг ўзаро мувофиқлигига, ахборот соҳасида биргаликдаги ҳамкорлик, маълумотлар алмашиш протоколлари ва форматининг ўзаро мослигига доир талабларни белгилаш;

шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш бўйича талабларни ҳисобга олган ҳолда ахборотни йиғиш, қайта ишлаш, тўплаш, сақлаш ва узатишда ахборот хавфсизлигини таъминлаш;

"Электрон ҳукумат" тизимини яратиш ва жорий этиш бўйича лойиҳани амалга ошириш механизмлари ва босқичларини назарда тутиш;

"Электрон ҳукумат" тизимини жорий этишда унинг самарадорлиги ва шаффофлигини оширишни таъминладиган, жумладан, лойиҳалар бўйича ягона миллий дистрибуторни ташкил этиш орқали яхлит жараёни (ишлаб чиқиш, лойиҳалаштириш, келишиш, лойиҳалар бўйича товарлар, ишлар, хизматлар харид қилиш, шунингдек, уларни фойдаланишга топширишнинг ягона тизимини) барпо этиш;

Агентлик негизда бошланғич лойиҳа сифатида электрон рақамли имзо инфратузилмасининг намунавий элементини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.

5. Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2018 йил 21 ноябрдаги ПҚ-4022-сонли қарорига мувофиқ Агентлик томонидан "Рақамли ишонч" рақамли иқтисодиётни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси билан биргаликда барча давлат хизматлари фақатгина операторнинг маълумотларни қайта ишлаш марказлари орқали кўрсатилишини таъминлашни назарда тутадиган 2019-2021 йилларда "Universal Mobile Systems" МЧЖни ривожлантириш Концепцияси ишлаб чиқилмоқда.

Агентлик манфаатдор идоралар билан биргаликда 2019 йилнинг 1 майга қадар маълумотларга ишлов бериш марказларига бўлган ахборот ва уларнинг жойлашуви тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига таклифлар киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Инновацион лойиҳаларни амалга ошириш ва идоравий ахборот тизимларини жадал интеграциялашувининг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2018 йил 18 апрелдаги ПҚ-3673-сонли қарорига мувофиқ Агентлик томонидан алоқанинг, шу жумладан, хорижда бўлиш вақтида, махфийлиги, тезкорлиги, хавфсизлиги ва телекоммуникация хизматларига сарфланадиган бюджет маблағларининг тежаслигини таъминладиган ҳукумат мобил алоқаси тизимини (кейинги ўринларда – тизим) ишга тушириш, синаш ва ундан тажриба тариқасида фойдаланиш ишлари бажарилди.

Белгилаб қўйилсинки, 2019 йил 1 апрелдан бошлаб ушбу тизим давлат органлари, ташкилотлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ходимлари учун ўз хизмат вазифаларини бажаришда фойдаланилиши мажбурий ҳисобланади.

7. Агентлик Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда давлат органлари, ташкилотлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналарининг ўз хизмат вазифаларини бажаришда тизимдан фойдаланиши мажбурий бўлган ходимлари рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

8. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида лойиҳа бошқаруви тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2017 йил 24 июлдаги ПФ-5120-сонли Фармонига мувофиқ яратиладиган Лойиҳа бошқарувининг ягона миллий ахборот тизими Агентлик томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича ушбу тизимнинг барча иштирокчилари томонидан фойдаланилиши мажбурий ҳисобланади.

Рўйхатга киритилган вазирлик ва идоралар ҳуқуқ эгаларининг тегишли лицензияларисиз дастурий маҳсулотлардан фойдаланишга йўл қўймасдан, маълумотларнинг белгиланган протокол бўйича платформа форматига тақдим этилиши ва тизимга киритилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги: икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг алоқа билан таъминлашга 2018 йилги ва 2019 йилга мўлжалланган харажатлари тўғрисида вазирлик ва идоралар кесимидаги ахборотни

Агентликка тақдим этсин;

ушбу Фармондан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг халқаро алоқа учун 2019 йилга мўлжалланган харажатларининг қайта кўриб чиқилишини таъминласин;

ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджет параметрларида ушбу Фармонни амалга ошириш доирасидаги тадбирларни молиялаштиришга маблағ ажратилишини назарда тутсин.

10. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Агентлик билан биргаликда:

бир ҳафта муддатда – "Электрон ҳукумат" тизимидан фойдаланиш мақсадида фойдаланувчиларнинг мажбурий тартибда идентификация қилинишини назарда тутган ҳолда Интернет тармоғидан симсиз фойдаланиш бўйича оммавий нуқталар тўғрисидаги низом лойиҳасини;

бир ой муддатда – ушбу Фармон талабларини ҳисобга олган ҳолда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг электрон ҳукумат соҳасидаги ваколатларини, шунингдек, унинг тузилмасини қайта кўриб чиқиш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси икки ой муддатда "Электрон ҳукумат" тизимини жорий этиш доирасида товарлар киритиш учун алоҳида божхона омбори ташкил этилишини таъминласин.

12. Агентлик Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори О. Б. Муродов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б. М. Мавлонов ва Агентлик директорининг биринчи ўринбосари Д. Р. Ли зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 13 декабрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОЙИШИЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI QUROLLI KUCHLARI TASHKIL ETILGANLIGINING 27 YILLIGI HAMDA VATAN
HIMOIYACHILARI KUNINI NISHONLASHGA TAYYERGARLIK KURIYSH VA UTQAZISH CHORA-TADBIRLARI TUGRISIDA

2. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 27 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган тадбирларни ташкиллаштириш ва ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ (кейинги ўринларда – Ишчи гуруҳ) таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ишчи гуруҳ ҳарбий-маъмурий секторлар билан ҳамкорликда:

Дастурда белгилаб берилган байрам тадбирларини "Ватан – муқаддас, уни ҳимоя қилиш шарафли бурчдир!" деган умумий ғоя остида ташкилий жиҳатдан юксак савияда амалга оширилишини;

байрам тадбирларига кенг аҳоли қатламларини, айниқса, ёшларни жалб қилган ҳолда уюшқоқлик билан тайёргарлик қўриш ва сифатли ўтказиш масалаларида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқаролик жамияти институтлари, ҳўжалик юритувчи субъектлар ва таълим муассасаларининг худудларда жойлашган ҳарбий қисм ва муассасалар билан яқиндан ҳамкорлик қилинишини;

давлат ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари томонидан ўзлари таҳсил олган олий таълим муассасалари, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва умумтаълим мактабларида "Мардлик ва жасорат" мавзусидаги дарслар ўтказилишини;

Бошланғич 1-бетда

ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантириш, Ватанимизнинг гуллаб-яшнашида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ўрнини ҳамда Ватан ҳимоячилари кунини байрамнинг фуқароларимиз ҳаётида тутган аҳамиятини Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир инсонга ва ҳар бир оилага етказишни таъминласин.

4. Ҳарбий-маъмурий сектор раҳбарлари:

Дастурда белгиланган тадбирларни жойларда ўтказиш бўйича вазифаларни уларнинг зиммасига юклаган ҳолда Ватан ҳимоячилари кунига тайёргарлик қўриш ва ўтказиш бўйича худудий ташкилий қўмиталарни тузсин ҳамда уларга шахсан раҳбарлик қилсин;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 27 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган тантанали йиғилишлар, концерт дастурлари ва бошқа байрам тадбирларини ўтказиш графикларини ишлаб чиқсин ҳамда ўтказилаётган тадбирларда аҳолининг барча қатламлари вакиллари, ёшлар, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари иштирок этишини таъминласин;

давлат мукофоти билан тақдирланганлар, ўз касбининг устаси унвони учун ўтказилган кўрик-танловнинг республика бос-

қичи голиблари ҳамда жанговар-хизмат фаолиятида юқори натижаларни қўлга киритган ҳарбий хизматчиларни қўллаб-қувватлаш бўйича тантанали байрам тадбирларини ўтказсин;

Ҳарбий ватанпарварлик йўналишида энг яхши маҳалла, энг яхши "Жасорат" клуби, энг яхши ҳарбий қисмининг Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти ва энг яхши бошланғич қақрувга қадар тайёргарлик қўйувчиси танловларининг ўтказилиши ва голибларнинг рағбатлантирилишини таъминласин;

қўчалар, майдонлар ва тантанали тадбирлар ўтказиладиган жойларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 27 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган плакат ва стендлар билан байрамона безатилиши, шунингдек, маданият ва истироҳат боғларида мавзуга доир кўргазма ва экспозициялар тайёрланишини ташкиллаштирсин;

тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоялашга йўналтирилган тадбирларни амалга ошириш давом эттирсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Республика маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси, Ўзбекистон Ба-

дий академияси ва "Ўзбеккино" миллий агентлиги Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Захриддин Муҳаммад Бобур каби буюк саркарда ва аждодларимизни, шунингдек, қаҳрамонона ишлар қилган турли ихтисосликлардаги ҳарбий хизматчилар ва замондошларимизни юксак ватанпарварлик, фидойилик ва садоқатлиликларини очиб берадиган, руҳлантирувчи шеърлар ва куйлар, кино, театр ва тасвирий санъат асарларини тайёрлаш ва намойиш этиш ишларини жадаллаштирсинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати "Энг илғор сержант", "Энг илғор гуруҳ командири", "Энг илғор взвод командири", "Энг илғор батальон командири", "Энг илғор бригада командири", "Энг илғор қўшилма", "Энг илғор олий ҳарбий таълим муассасаси" ва "Энг илғор мудофаа ишлари бошқармаси" номиниациялари бўйича ўз касбининг устаси унвонига ўтказилган республика танлови ақунларини чиқарсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси билан ҳамкорликда тантанали тадбирлар ўтказиладиган жойлардаги жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминласин.

8. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги Ўзбекистон Миллий телерадиоком-

панияси ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги билан биргаликда ўтказилаётган байрам тадбирларининг оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини, Қуролли Кучларни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш борасида қўлга киритилган ютуқлар, шунингдек, армиядаги ҳарбий хизматнинг нуфузини оширишга қаратилган ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоялаш масалаларига бағишланган мақолалар, туркум телекўрсатув ва радиотрансляциялар ташкил этилишини таъминласин.

9. Вазирликлар, идоралар ва бошқа давлат ташкилотлари Дастурни амалга ошириш билан боғлиқ сарф-харажатларни ҳар йили ажратиладиган бюджет маблағлари, бюджетдан ташқари ва қонунчиликда тақдирланмаган бошқа молиялаштириш манбалари ҳисобидан амалга оширсин.

10. Мазкур фармойишнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В. В. Махмудов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 13 декабрь

ИЛГОР ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР — САМАРАДОРЛИК ОМИЛИ

Унда Олмалик кон-металлургия комбинатини техник ва технологик жиҳатдан модернизация қилиш, таркибий ислохотларни чуқурлаштириш орқали унинг рақобатбардорлигини ошириш борасида олиб борилаётган тизимли ислохотлар юксак самаралар бераётгани таъкидланди.

Ишлаб чиқариш жараёнига илғор инновацион технологияларни татбиқ этиш самарадорликка эришишнинг, ҳусусан, сарф-харажатларни қисқартириш, ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини ошириш, тизим бошқарувини автоматлаштиришнинг асосий шарти эканига алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада

Бошланғич 1-бетда

комбинатга 2022 йилга қадар 2 миллиард доллар инвестиция жалб этилиши режалаштирилгани қайд этилди.

Маълумки, ўтган асрнинг 40-йилларида россиялик олим А. Ванюков томонидан табиий хом ашёни пирометаллургия усули билан қайта ишлаш ҳамда ундан суюқ ва газсимон маҳсулотлар олиш жараёни ишлаб чиқилган. Бу усул кейинчалик ушбу олим номи билан аталган. Мазкур технология нафақат мис, кўрғошин ва пўлат металлургияси, балки маиший қийинчидарини утилизация қилиш соҳасида ҳам қўллана бошланди. Мутахассисларнинг фикрича, айни пайда Ванюков усули металлургия соҳаси ривожига муҳим аҳамиятга эга, истикбол-



да ҳам шундай бўлиб қолади.

Халқаро илмий-амалий анжуманда Ванюков жараёни ривожланишининг бугунги ҳолати ва истиқболлари, бу борадаги дунё тажрибаси ва комбинатнинг реал ҳолатидан келиб чиқиб, ушбу усул асосида Олмалик кон-металлургия комбинатининг мис эритиш заводи фаолиятини

янада такомиллаштириш масалалари муҳокама этилди.

Конференция иштирокчиларининг мавзуга оид саволларига хорижий олим ва экспертлар батафсил жавоб беришди.

Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,

ЎЗА

Мансур ХИММАТОВ

олган суратлар

Партиялар
ҳаётидан

Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши ташаббуси билан Бўстонлиқдаги "Баркамол авлод" болалар марказида "Партиянинг энг фаол аёли" кўрик-танловининг туман босқичи ўтказилди.

Мазкур танловни ўтказишдан мақсад Президентимизнинг "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш ҳамда партиянинг сайловолди дастурида белгиланган вазифаларни амалиётга татбиқ этишда партия сафидаги хотин-қизлар салоҳиятидан унумли фойдаланиш, юксак сиёсий билим

ФАОЛЛИК — БУГУННИНГ ТАЛАБИ

ва ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган аёлларни аниқлаш, истеъдодларини рўёбга чиқариш, уларни рағбатлантириш, жойлардаги хотин-қизларнинг муаммоларини бартараф этишнинг энг самарали усулларини аниқлаб, оммалаштиришдан иборатдир.

Тадбирни Ўзбекистон ХДП Бўстонлиқ тумани кенгаши раиси Олимжон Бабаев очиб берди. У бугунги кунда юртида хотин-қизларга қаратиладиган юксак эътибор ҳақида сўзлаб, иштирокчиларга омад тилади.

Кўрик-танловда 10 нафар иштирокчи ўзаро беллашди. Қатнашчилар хотин-қизлар муаммоларини ҳал этишнинг энг самарали йўли, сиёсий ҳозир-жавоблик ҳамда эркин мавзу шартлари бўйича ўз билим ва

маҳоратларини синовдан ўтказдилар.

Тумандаги 31-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Лаззат Тасибоева шартларни аъло даражада бажариб, биринчи ўринни қўлга кириштириб, вилоят босқичига йўлланма олди. Иккинчи ўрин 5-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Айжан Сарсеновага насиб қилди. Сания Абдухолиқова эса учинчи бўлди.

Тадбир якунида голиб ва совриндорлар Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгашининг фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

Махлиё ОТАБОВА,
ХДП вилоят кенгаши
"Бошланғич партия
ташкилотлари билан
ишлаш" сектори мудири

Қўлимиздаги маълумотларни диққат билан ўрганиб, мавсумга тайёргарлик доирасида 71,3 млрд. сўм маблағ кўп қаватли уйлاردан ташқари айнан қайси ташкилотларга сарфлангани билан қизиқдик. Гапни мактабгача таълим муассасаларида бошлайлик.

тўлиқ етказиб берилган. Шунингдек, 18 та касб-хўна қоллежнинг иситиш тизими, бино ва иншоотларини таъмирлаш ишларини амалга ошириш мақсадида жами 3,2 млрд. сўм маблағ ажратилиб, режадаги иш ҳажмлари тўлиқ бажарилди.

— Яшириб нима қилдик,

Жорий йилда ҳам узлуксиз табиий газ етказиб бериш учун 12,1 км. газ қувурлари мукамал ва 6,2 км. жорий таъмирланди.

Шунингдек, 1 ноябрь ҳолатига кўра, 15 минг 909 нафар аҳолига шартнома асосида суюлтирилган газ маҳсулотлари етказиб берилди. Бу ўтган

дейди Паркент тумани халқ таълими мудир Рохатили Тожибоев. — Чироқ йўқлиги ўқитувчининг ўз устида ишлаши, қўшимча манбалар излаши, шунингдек, ўқувчилар уй вазибаларини бажаришида қийинчиликлар туғдираётган эди. Эндиликда электр энергиясидаги бекорорлик, пай-

Турган гапни, электр билан таъминлашда авария ҳолатлари учраб туради. Электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш ва авария ҳолатларининг олдини олиш мақсадида "Тош-электртармоқлари"нинг 5,5 млрд. сўм маблағи ҳисобига 856 дон трансформатор пунктлари ва 2719,4 км. ҳаво тармоқлари мукамал ва жорий таъмирланди.

Ичимлик ва оқова сув таъминотидаги муаммолар ҳам бартараф этилди. Иссиқлик таъминотида аҳвол кўнгилдагидек. Ушбу йилда шунингдек, 81 та қозон, 137,2 км. иссиқлик қувурлари жорий таъмирланди, 10,7 км. иссиқлик қувурлари ҳимоя қопламаси (изоляция) билан ўралган. Бироқ, Қибрай туманида режадаги 3 та қозондан 1 таси таъмирланган, холос. Бундан ташқари, таъмирланиши керак бўлган 3,3 км. иссиқлик тармоқларидан амалда эса бор-йўғи 0,780 метри таъмирланган...



йилгидан 5 минг 204 дон ортиқ дегани. Бироқ, Олмалиқ шаҳрига 36 та, Бўка туманига 1 минг 351 та, Зағзот туманига 1 минг 268 та, Чиноз туманига 89 та суюлтирилган газ маҳсулотини етказиб берилмаган. Умид қиламизки, бу камчиликлар тез кунда ўз ечимини топади.

— Бундан икки йилча аввал электрдаги узилишлар 5-6 соатгача давом этарди, —

дар-пай узилишлар барҳам топди.

Р. Тожибоев ҳақ гапни айтди. Айниқса, қишда электр энергиясига эҳтиёж кўпаяди.

Хулоса қилиб айтганда, қиш мавсумига тайёргарлик рисоладагидек ўтказилган манзилларда муаммо йўқ, одамлар ҳам мамнун. Демак, қиш талафотли эмас, ҳаловатли ўтади, дейишга асослар етарли...

Абдусалим МАХМУДОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири

Хордиқ манзиллари

Вилоятимиз пурвиқор тоғлар бағридаги ажойиб сийҳатгоҳлари билан ҳам машҳур. Юрак қон-томир ва асаб тизимлари, нафас олиш ва таянч-ҳаракат аъзолари хасталиklarини даволашга ихтисослашган "Хумсон" санаторийси шулардан бири.

Бўстонликда бир бўстон

— Бу ернинг мусоффо ҳавоси, гўзал табиати кишини ўзига ром этади, — дейди киргизистонлик сайёҳ Сунам Нурланова. — Совуқ тушганига қарамай, бу ерда дам олиш жуда мароқли. Мижозлар учун яратилган шароитлар, "Меҳмон уйлар"нинг миллий урф-одат, анъаналарни ўзида акс эттиргани бизни қувонтирди. Келгуси йилда яна шу ерда дам олиш ниятидамиз.

Дарҳақиқат, Бўстонлик туманидаги Угом тоғ тизимларининг шарқий ёнбағрида, денгиз сатҳидан 1000 метр баландликда жойлашган санаторий доимо дам олувчилар билан гавжум. Бу ерда физиотерапия, лазеротерапия, виброқулаш, биохимик лаборатория, ЭКГ текшируви, ультратовуш ташхиси, шунингдек, сув ва буғ билан даволаш йўлга қўйилган. Бундан ташқари, умуртқа поғонасини

замонавий аппаратлар ёрдамида қўзиш муолажалари ҳам қўлланилади.

— Михозларимизнинг аксарияти санаториймизга ҳар йили келишади, — дейди кардиолог Панжи Жўраев. — Қувонарлиси, сўнгги йилларда чет эллик сайёҳларнинг ҳам сони ортмоқда. Энг муҳими, улар сифатли тиббий хизматдан мамнунлар.

Ўз мухбиримиз



Д. АХМЕДОВ олган сурат

Ижтимоий эълон

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

Тошкент вилоятида 2018 йилнинг 10 майдан бошлаб давлат активлари ва кўчмас қўл объектларини сотиш фақат "E-IJRO AUCTIONS" электрон савдо майдончасида онлайн-аукцион шаклида ташкил этиладиган электрон савдолар орқали амалга оширилади.

Сотувдаги объектлар тўғрисидаги маълумотларни Давлат рақобат қўмитасининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасидан ҳамда Давлат рақобат қўмитасининг privatization.gki.uz ва "E-IJRO AUCTIONS"нинг www.e-auktion.uz сайтлари орқали олиш мумкин. Электрон савдоларда иштирок этиш тартиби www.e-auktion.uz сайтида келтирилган.

Электрон онлайн-аукцион савдоларига қўйидаги давлат активлари қўйилади.

№	№	Давлат объекти номи	Бинонинг умумий майдони (кв.м.)	Умумий ер майдони (га)	Объект манзили	Президент, ҳукумат қарори рақами ва санаи	Баянсда сакловчи	Объектнинг (тақдирланган) сотиш қиймати (сўм ва фоиз кўриниши)
Қибрай тумани								
1	1	"Шарк" МЧЖнинг 25 фоиз давлат улуши*	—	—	Қибрай тумани, Май ҚФЙ, Дўстлик кўрғони	"Шарк" МЧЖ	ПҚ-2340 28.04.2015й. 2-илова	2 102 578 500,0** (50 фоизга қайтарилган)
Ангрен шаҳри								
2	1	Ангрен шаҳридаги Нуробод қасалхонаси	4455,32	3,643	Ангрен шаҳри, Нуробод кўрғони	Ангрен шаҳар тиббиёт бирлашмаси	ПҚ-3297 29.09.2017й	14 102 844 036,00
Бекобод шаҳри								
3	1	Бекобод шаҳридаги тиббий диагностика маркази	414,0	0,0414	Бекобод шаҳри, 80-даха, 15-уй	Бекобод шаҳар тиббиёт бирлашмаси	ПҚ-3297 29.09.2017й	1 429 820 000,00
Охангарон тумани								
4	1	Охангарон тумани стоматология поликлиникаси	548,52	0,1252	Охангарон тумани, кичик ноҳия ҳудуди, 20-уй	Охангарон тумани тиббиёт бирлашмаси	ПҚ-3297 29.09.2017й	999 842 000,00

* ушбу давлат улушини баҳолаш бўйича сотиш нархидан ташқари аниқланган 791,040 млн. сўмлик қўшимча мулклар сотилмади.

** ушбу нарх пасайтирилмади. Электрон онлайн-аукцион савдолари натижалари бўйича қўшимча баённомаси имзоланган санадан бошлаб, 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Электрон онлайн-аукцион савдолари 2019 йил 15 январдан бошлаб, иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача ўтказилади.

Электрон онлайн-аукцион савдоларига қатнашишга электрон бюртманомана қабул қилиш электрон онлайн-аукцион савдоси ўтказилишидан икки иш куни олдин (соат 13.00 гача) тамом бўлади.

Савдоларда иштирок этиш учун қўшимча маълумотларни www.e-auktion.uz сайтлари орқали олиш мумкин.

Мурожаат учун манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй.

Маълумот учун телефонлар: (0-371) 230-41-73, 230-41-70.

E-mail: tashreg@gki.uz

Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Хурматли тадбиркор ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (0-371) 259-21-37 ёки Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг (0-371) 230-41-81 рақамли Ишонч телефонларига зудлик билан хабар беришингиз сўралади.

Савдоларга марҳамат қилинг!

ҲАРОРАТ БОР — ҲАЛОВАТ БОР

Одатда қиш мавсумида фарзандларимизни боғчага олиб боришда хоналарнинг ҳарорати билан қизиқамиз. Вилоятимиз мактабгача таълими муассасаларидаги иситиш тизимидан тортиб, дераза ва ойна ўрнатиш дейсизми, қўйинги, барча таъмирлаш ишларини амалга ошириш мақсадида жами 9,5 млрд. сўм маблағ ажратилиб, айни вақтда режадаги ишлар тўлиқ, бекаму қўст бажарилган.

Жорий йилда маҳаллий бюджет ҳисобидан ажратилган 12 млрд. 300 млн. сўм маблағ эвазига 8 та мактабда мукамал ва 178 та мактабда жорий таъмирлаш ишлари тўлиқ амалга оширилди.

Хусусан, вилоятдаги 56 та мактабнинг 121 та иситиш қозонлари янгисига алмаштирилди. Кўмир ҳам вақтида

◀▶▶ Бошланғич 1-бетда

Хабарингиз бор, 2018 йил 13 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Мамлакатимиз аҳолисини ва иқтисодиёт тармоқларини рақобат ва бозор механизmlарини жорий этиш асосида дон, ун ва нон билан ишончли таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинган эди.

Ушбу қарорни қабул қилишдан асосий мақсад — республикаимиздаги донни қайта ишлаш тармоғига, шунингдек, дон, ун ва нонни сотиш тизимида бозор механизmlарини тўлиқ жорий этиш ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларининг ун ва қолип-ли нон харид қилиш бўйича қўшимча харажатларини қоплаб беришнинг самара-

ринг, шу вақтгача қолип-ли ноннинг нархини ушлаб туриш учун ун фақат айрим қорхоналарга рўйхат асосида давлат белгиланган нархларда махсус фонд орқали тарқатилар эди. Ана шу рўйхатга қирмаган қорхоналар эса, унни бозор нархидан сотиб олар, ишлаб чиқарган маҳсулотни қимматга тушар ва тез орада касодга учрарди. Бундан ташқари,

рик савдо дўконлари орқали "Охангарондун" АЖ (10 та турғун ва 8 та кўчма савдо дўконлари), "Галла-Алте" АЖ (6 та турғун савдо дўконлари) ва "Тошкентдон-маҳсулотлари" АЖ (5 та турғун ва 7 та кўчма савдо дўконлари) томонидан ҳар куни ун маҳсулотлари белгиланган (1 минг 750 сўм) нархда етказиб берилмоқда.

Кузатувларга кўра, вилоят-

СИЗ ТОМОНДА НОННИНГ НАРХИ ҚАНДАЙ?

ли механизмини жорий этиш ҳисобланади.

Мазкур қарорга асосан, 2018 йилнинг 15 сентяб-ридан бошлаб, қолип-ли ноннинг нархи бозордаги талаб ва тақдирдан келиб чиққан ҳолда эркин шаклланиши тартиби жорий этилди.

Шунингдек, бир килограмм 1-нав бугдой унининг улгуржи сотиш нархи 1 минг 400 сўм қилиб белгиланди.

Қолип-ли нонга чекланган нарх белгилаш тартибининг бекор қилиниши, 1-нав бугдой унига 1 минг 400 сўм миқдорда улгуржи сотиш нархи белгиланиши, ўз навбатида, қолип-ли ноннинг улгуржи ва чакана нархлари кўтарилишига ҳамда ун маҳсулотига бўлган талабнинг ошишига олиб келиши табиий.

Тўғри, мамлакатимизда қолип-ли нон нархи деярли икки баравар қимматлашди. Бунинг асосий сабабларидан бири "буханка" нархининг давлат томонидан тартибга солиб турилишини тўтатиш эди. Эътибор бе-

унни давлат белгиланган нархда олиб, маҳсулотни "кўча" нархидан сотётган "тадбиркорлар" ҳам қўнайиб қолганди. Бу эса, ун олувчилар монополиясининг шаклланишига замин яратди.

Шуни назарда тутган ҳолда, 2018 йил 1 октябрдан бошлаб ун ва қолип-ли нон хариди бўйича қўшимча харажатларни қоплаш учун аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига энг кам ойлик иш ҳақининг 10 фоизи миқдоридан компенсация тўлови белгиланди.

Бундан ташқари, аҳолининг ун маҳсулотларига бўлган талабини қондириш мақсадида жорий йил 17 сентябрдан бошлаб "Ўз-донмаҳсулот" АЖ таркибидаги дон қорхоналарига истисно тариқасида 1-нав-ли маҳаллий унни турғун ва кўчма савдо дўконлари орқали қилосини 1 минг 750 сўмдан чакана сотишга рўхсат берилган.

Бугунги кунда вилоятимиз аҳолисига бозорлар ва йи-

да 1-навли бугдой унидан тайёрланган 600 грамм оғир-ликдаги бир дон қолип-ли нон 1 минг 50 — 1 минг 200 сўмдан сотилмоқда.

Хурматли истеъмолчилар!

Чакана савдо қилиш жараёнида "Ўздонмаҳсулот" АЖ таркибидаги дон қорхоналаридан ишлаб чиқарилган бир килограмм 1-навли маҳаллий унни 1 минг 750 сўмдан баланд сотиш ҳолатларига ёки озиқ-овқат маҳсулотларида (нон, ҳар хил ширинликлар, торт ва ҳ.к.) ишлаб чиқарилган санаси, яроқлилик муддати, сақлаш шартлари кўрсатилмаган ҳолатларга дуч келсангиз, асосли далиллар билан Тошкент вилояти Рақобат бошқармасига (100047, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй) мурожаат қилишингиз сўралади.

Умриузоқ ҒАНИЕВ,
вилоят Рақобат бошқармаси Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя этиш бўлими бошлиғи

Эълонлар

ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Чилонзор 30, 16 А-уй манзилида жойлашган "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Ал-Хоразмий филиалининг янги ишлаб чиқилган дизайни асосида бинонинг ички ва ташқи қисмларида мукамал таъмирлаш ишлари олиб бориш бўйича

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ!

Танловни ўтказиш тартиби ва шартлари тўғрисидаги батафсил маълумотларни қуйидаги манзилдан олишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Чилонзор 30, 16 А-уй.

Телефонлар:

(71) 287-41-54, (71) 270-02-52.

Нархлари кўрсатилган тижорат тақлифлари алоҳида 2 қаватли хат жилдага жойланган ва қорхона муҳри билан тасдиқланган ҳолда, эълон чиққан санадан бошлаб, 7 кун ичида қабул қилинади.

"ROAD ENGINEERING SERVIS" МЧЖ (ИНН 303283438) ўз иш фаолиятини тугатаётганини маълум қилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Олтинтопан-45.

Ибратли оила

Зангиота туманида яшовчи Фуломовлар оиласига кўпчилик ҳавас қилади. Оила бошлиғи Нуриддин ака олий тоифали шифокор. Хонадон бекаси Дилфуза Фуломова эса мактабда физика фанидан дарс беради. Улар турмуш қуришганига 27 йилдан ошди. Оиладаги тинчлик, ўзаро аҳиллик маҳалладагиларга ўрнак бўлмоқда. Қолаверса, Фуломовлар оиласи жорий йилдан илк марта таътилга ўтказилган "Ибратли оила" кўрик-танловининг вилоят босқичида биринчи ўринга лойиқ топилди.

Бу оила билан яқиндан танишиш мақсадида Зангиотага йўл олдик.

Нуриддин жуда камтарин ва самимий инсон, дейди "Уратепа" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мухиддин Ибрагимов. Ажойиб шифокор. Иш жойида ҳам, маҳаллада ҳам ҳамма ҳурмат қилади. Жамоат ишларида ҳам фаол қатнашади. Кам таъминланган оилалардан ёрдамни аямайди. Аёллари Дилфуза-хон эса маҳалламиз яраштириш комиссияси аъзоси сифатида оилавий ажримларнинг олдини олишда жон куйдириб ишлайди.

Хонадонга кириб борганимизда мезбонлар бизни жуда илиқлик билан қутиб олишди. Ховли-рўй саранжом-сарийшта. Одми, аммо файзли хонадондаги муҳит дарров қайфиятимизни кўтарди. Ўзбекона лутф ва меҳмондўстлигини айтмай-сизми...

Оилада энг муҳим нарсаси ўзаро ишонч ва садоқатдир, дейди Нуриддин Фуломов. Биз аёлим билан доимо бир-биримизни тушуниб, қўллаб келаемиз. Фарзандларни комил инсон

«ЎРАТЕПА»НИНГ
МЕҲР ҲОВЛИСИ

қилиб тарбиялашга интиламиз. Бунда ота-онамизнинг берган тарбия ва насихатларидан фойдаланамиз. Улар болалигимиздан бизни билим олишга, меҳнатдан қочмасликка, ҳар бир ишга масъулият билан ёндо-

тилган натижага эришиш қийин бўлади.

Оила бекаси Дилфуза Фуломова туманининг кўзга кўринган педагогларидан. Дарс жараёнида ўқувчиларни мавзуга қизиқтириш мақсадида инновацион ўқув метод-

ларини кенг қўллайди. "Ёш ихтирочилар" тўғрагини ташкил қилган. Яқинда икки шогирди "Ёш инновациячи" кўрик-танловда фахрли ўринни олишди.

Хаётда инсонга кўп нарсаси керак эмас, дейди Дилфуза опа. Ўзимни "Бахтлиман", деб бемалол айта оламан. Чунки, мени тушундирган турмуш ўртоғим,

шу пайтгача отасига тик боқиб гапиришмаган.

Оилада китобга меҳр бўлакча. Унинг ўрнида кутубхона ташкил қилинган. Бўш вақтларда ота-она ҳам, фарзандлар ҳам китоб мутолааси билан машғул. Китоб зиёсидан баҳраманд фарзандлар илмга чанқоқ, Хусусан, катта ўғил Ҳожиакбар Тошкент тиббиёт академиясида тахсил олмоқда. Мақсади — келажакда яхши шифокор бўлиб, ота касбини давом эттириш. Кичиги Хусниддин Тошкент ирригация ва мелиорация институтини талабаси. Қизлари Шахноза ҳамшира.

Тахририятдан мухбирлар келганини эшитган яқин қариндошлар ҳам етиб келишди. Уларнинг ўзаро меҳр-оқибатини кўриб, яхши-ёмон кунда доимо бир-бирларига елкадош эканликларини эшитиб, тўлқинланиб кетдик. Афсуски, бугун баъзи оилаларда жигарлар уй-жой талашиб ёки арзимас сабаблар билан юзқўрмас бўлиб кетишадигани ҳақида бот-бот эшитиб қоламиз. Айрим ака-укалар ота-оналари руҳини чирқирайиб, ўртадаги муқаддас ришталарни узишадиган ҳам аччиқ бўлсада ҳақиқат.

Шундайларни юқоридаги каби оилалардан ибрат олишга қаратилган бўларди. Зеро, бахт меҳнат, сабр-қаноат ва аҳиллик орқасидан келади. Буни доимо ёдда тутаёлик.

Зухриддин РАҲМОНОВ,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири
Мансур НАХАЛОВ
олган сурат



ХИТОЙДАН ТЕКИН ИНТЕРНЕТ



Маълумотларга кўра, Хитой 2026 йилга келиб бутун дунё аҳолиси учун бепул интернет тарқатишни режа қилган.

Бунга келгуси йилда ўзининг LinkSure Network интернет-провайдерини "LinkSure №1" деб номланган сунъий йўлдошини учуриш орқали эришмоқчи.

Компания мазкур лойиҳа учун 3 млрд. юань (431,1 млн. АҚШ доллари) маблағ сарфлаб, 272 та сунъий йўлдош учуришни режалаштирган.

АҚШДА ҲАЙДОВЧИСИЗ ТАКСИ



АҚШнинг Феникс шаҳрида Robotaxi хизмати расман иш бошлади. Бундан бир неча ой аввал ушбу ҳайдовчисиз такси хизмати синон тарихида йўлга қўйилган эди.

Waymo компаниясининг роботлашган автомобиллари илова орқали буюртма берилди. Машинага тўрт нафар йўловчи joyлашиб, белгиланган йўналиш бўйлаб кўрсатилади. Шундан сўнг, Robotaxi илова орқали йўл ҳақи нархи ҳамда қанча вақтда етиб бориши тўғрисидаги маълумотни кўрсатади.

Бирор муаммо юзга келса, оператор билан боғланиш имконияти бор.

САРАТОНГА ШИФО ТОПИЛДИ



Австрия фуқароси Рудольф Брожс узок йиллик изланишлари натижасида саратон касалига даво топди.

У кашф қилган шарбат имунитетни оширади, қонни тозалайди ва танада яширин энергияни уйғотади. Энг муҳими, саратон хужайраларини осонлик билан ўлдирди.

Ҳозиргача 54 минг киши ушбу шарбат билан даволаниб, ижобий натижаларга эришди ва саратон балосидан тўлалигича кутулди.

Шарбатнинг таркиби: қизил лавлаг (55%), сабзи (20%), сельдерей (20%), картошка (3%), редиска (2%).

Уни тайёрлаш жуда осон. Юқоридаги сабзавотларни кўрсатилган нисбатда қўшиб, шарбати олинди ва араштирилади. Ҳар сафар янгидан тайёрланган шарбат 42 кун давомида фақат чой билан ичилади. Бу даврда саратон хужайралари оч қолиб, ҳалок бўлади.

Интернет материаллари асосида тайёрланди

«БЕШИНЧИ ФАСЛ»
МЎЪЖИЗАЛАРИ

Ўрта Чирчиқ туманида шундай соҳибкорлар борки, уларнинг меҳнатларини кўриб, беихтиёр: "Офарин!" деб юбурсиз-да.

Томорқа — хазина



Қумовул ҳудудидаги "Нурафшон" маҳалласида истикомат қилувчи Дилбархон Азизова ҳам лимончилик билан шуғулланади.

Бу оила мана 10 йилдирки, лимон етиштириб, шунинг даромадидан рўзгорларига барака, ҳаётларига фаровонлик келтираяпти, дейди маҳалланинг масъул котибаси Раҳимахон Бобоева. — Уларга қараб, "Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик", деган мақолнинг нақадар

топиб айтилганига амин бўламан.

Хонадонга бош суқсак, 24 сотих ердаги лимонзорда иш қизгин экан.

Бу йилги ҳосилимиз 10 тоннадан зиёд бўлди, дейди Дилбархон. — Келажакда яна бир иссиқхона барпо этиб, лимондан ташқари, помидор ва бодиринг етиштириш ниятидамыз. Энг муҳими, 10-15 та мавсумий иш ўринлари яратилади.

Анора КАРИМОВА
Бекзод ШАҲОБУДДИНОВ олган сурат

Тадбир

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР
ТАҚДИРЛАНДИ

"Ватанпарвар" ташкилоти Қуйи Чирчиқ тумани бўлими ўқув спорт техника клуби ташаббуси билан ҳудуддаги умумтаълим мактабларида "Биз ватанпарварлармиз!" шиори остида маънавий-маърифий, спорт ва маданий тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Тумандаги ўрта таълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари ва ушмаган ёшлар учун ташкил этилаётган давра суҳбатларида мамлакатимизда ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, улар орасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш бўйича кенг қўллаш ишлари амалга оширилаётгани таъкидланиб, ўқувчиларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб қайтарилмоқда.

5-умумтаълим мактабидида шундай мавзуда ўтказилган тадбирда туман ҳокимлиги,

Мудофаа, ички ишлар бўлиmlари, "Нуроний" жамғармаси ҳамда Ёшлар иттифоқи туман кенгаши ҳам қорилигида ўқ отиш бўйича мусобақа ташкил этилди.

Ўзаро амалий машғул-ларда энг юқори кўрсаткичларни қўлга киритган ўқувчилар — Раҳматилла Абду-мўминов, қизлар ўртасида эса Холис Мамадиёрова биринчи ўринга лойиқ кўрилди.

Ҳали ўқувчилар фахрий ёрлик ҳамда эсдалик совгалари билан тақдирланишди.

Юлдузхон
ФАҲЛИДИНОВА

Янгийўл туманидаги Давлат хавфсизлик хизмати чегара қўшинларига қарашли ҳарбий қисмлардан бирида ёшларни Ватанга садоқат руҳида тар-

биялаш, уларда юрт равнақи ва тинчлиги учун дахлдорлик ҳиссини янада ошириш мақсадида очик эшиклар куни ўтказилди.

ҲАРБИЙ ҚИСМДА ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ

Унда тумандаги ҳарбий қисм ходимлари, аскарлар, шунингдек, 9-ва 54-мактабларнинг битирувчи синф ўқувчилари иштирок этишди. Тадбирда бугунги кунда юртимизда ёш авлодни жисмонан ва маънан баркамол, ҳарбий-ватанпарварлик ва миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳамда бу борадаги ишлар Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Қучларида ёшларга оид давлат сиёсатининг самарадорлигини янада оши-риш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.




Шу кун ҳарбий қисмга келган ўқувчилар ҳарбийларнинг мавсумий ва жанговар либослари, қурол-яроғ ва ҳарбий техникаларни томоша қилишди. Айниқса, ҳарбийларнинг саф тайёргарлиги ва қизиқарли чиқишлари ўқувчиларда катта таассурот қолдирди.

Шунингдек, тадбир доира-

сида "Заковат" интеллектуал ўйини ҳам ўтказилди. Унда ҳарбий қисм вакиллари — "Чегарачи" жамоаси ғолиб чиқди.

Тадбир давомида фаол иштирок этган ёшлар эсдалик совгалари билан тақдирланишди.

Ҳамза ХҲЖАНИЁЗОВ,
ҳарбий қисм хизматчиси



Ҳа, касбига садоқат билан ёндашиб, кўпчиликнинг узоғини яқин қилаётган С. Холбоев қорхона раҳбарлари ва йўловчиларнинг ҳурматини қозониб келмоқда.

— Саидахмад кунига Оққўрғондан Қўйлиққа уч марта бориб келади, бу 240 километр масофа дегани, дейди қорхона раҳбари Камол Ботиров. — Доим хушмуомала. Уни ёшларга ибрат қилиб кўрсатамиз.

Пардабой ЭРҒАШЕВ

"Тошкент ҳақиқати" газетасининг 5 декабрь сонидида чоп этилган "Болангиз қаердалигини биласизми?" мақоласини ўқиб, қўлимга қалам олдим.

Акс-садо

Мақолада жуда долзарб мавзу кўтарилган. Тошкент туманидаги коллежларда назорат ва давомат яхшилигидан қувондик. Аммо, ҳамма таълим муассасаларида ҳам аҳвол қониқарли эмас...

Кўпчилик ота-оналар боласини мактабда, ўқишда деб хотиржам

юради. Бироқ, уларнинг беларволиги қимматга тушиши мумкин. Шунинг учун мактабларда, коллеж ва лицейлар, олий таълим муассасаларида таълим-тарбияга, аввало, давоматга ниҳоятда жиддий эътибор беришимиз шарт.

Юртдошларимиз орасида айрим ота-оналар ҳам борки, улар ўз фарзандлари тақдирига бефарқ. Буни камлик қилгандай, улар фарзандларини касб-хунар коллежиди тахсилни таъминлаш ўрнига меҳнатга жалб этмоқда. Натижада, бу ҳол боланинг мунтазам равишда дарс қолдириши, яхши ўзлаштирмаслигига олиб келмоқда.

Фарзандини тўйхонага чойхоналарда, кафеларда ишлашига монелик қилмаётган баъзи ота-оналар катта хато қилишяпти. Бола у ерда қимлар билан мулоқот қилаётми? Дўстлари ким? Атрофидида одамларнинг нияти қанақа? Буни фарқлашга улар ёшлиқ қилишди.

Аммо, жараён осон кечмаяпти. Минг афсуски, ана шундай уйма-уй юришлар вақтида микрохууд раҳбарига эшик очмаслик ёки ҳақорат қилиш, ҳатто, ҳайдаб солиш ҳоллари ҳам кузатилапти.

Бугун ўз болаларимизни ўзимиз асрай билмасак, эртага бошқалар ўзларининг манфур мақсадлари йўлида уларни ҳар қўйга солишлари мумкин. Бунинг олдини олиш учун ота-оналар билан ўқитувчилар ҳамкорлигида ҳаракат қилишлари зарур.

Нодира ҲАМРОЕВА,
Ўрта Чирчиқ агросаноат ва транспорт касб-хунар коллежи директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Ҳафтанинг
чоршанба ва
шанба кунлари
чиқади.
10 969 нусхада
чоп этилди

Қабулхона:
Бош муҳаррир ўринбосари:
Масъул котиб:
Бўлим муҳаррирлари
Шартнома ва эълонлар:
Ҳисоб-китоб бўлими:

Телефонлар:
71 233-64-95, 71 233-58-85 (факс)
71 233-70-10
71 233-55-38
71 233-38-23, 71 233-48-08
71 233-65-59
71 233-54-10

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Қўмуш ЭҒАМБЕРДИЕВА
Назоратчи мусаввиф
Азиза АЗИЗОВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ

Манзил: 100000, Матбуотчилар кўчаси, 32. Электрон почталар: thaqiqat@umail.uz; th-tp@mail.ru. Буюртма V-2901. Баҳоси келишилган нархда. Ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилди, қорғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбоа ижодий уйи босмахонасида босилди. Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи — 205. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 23.20.